

Yuqorida keltirilib o'tilgan takliflarni amaliyotga tadbiq etish asosida mamlakatda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishga erishish mumkin. Xulosa o'mnida aytish mumkin-ki, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish mamlakat investitsion muhitini shakllantirishning asosiyo'nalishlaridan bo'lib hisoblanadi. Mamlakat iqtisodiyotini jadal rivojlantirishning asosi investitsiyalar hisoblanadi. Investitsiyalarning mamlakat iqtisodiyotidagi hajmini oshirish bevosita mamlakat investitsion muhitiga bog'liq hisoblanadi. Mamlakatda qanchalik qulay investitsion muhit shakllantirilgan bo'lsa, investitsiyalar hajmi shunchalik ko'payib boradi. Zamonaliv iqtisodiy tizimlarda investitsion muhit bevosita raqamli iqtisodiyotning rivojlanishiga bog'liq hisoblanadi. Mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish asosida qulay investitsion muhitni shakllantirish asosiy yo'nalish bo'lib hisoblanadi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil uchun mo'ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Xalq so'zi. 2018-yil 28-dekabr. <http://xs.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi>
2. "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida" to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni. PF-4947. 2017-yil 7-fevral. <https://lex.uz/docs/-3107036>
3. www.stat.uz O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasi rasmiy sayti ma'lumotlari.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Xalq so'zi. 2020-yil 24-yanvar. <http://xs.uz/uz/post/togridan-togri-khorizhij-investitsiyalar-37-barobar-osdi-prezident-eng-muhim-iqtisodij-izhtimoij-korsatkichlarni-malum-qildi>
5. Vaxobov A.V., Xajibakiyev Sh.X., Muminov N.G. Xorijiy investitsiyalar. O'quv qo'llanma. T.: "Moliya", 2010.
6. G'ozibekov D.G., Qoraliyev T.M. Investitsiya faoliyatini tashkil etish va davlat tomonidan tartibga solish. T.:TMI, 1993.
7. Maxmudov N.M., Avazov N.R. "O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishda investitsiyalardan samarali foydalanish yo'llari". Ilmiy-ommabop risola. T.:TDIU, 2019.
8. Mamatov B., Xujamkulov D., Nurbekov O. Investitsiyalar nitashkiletish vamoliyalashtirish. T.:Toshkent, «Iqtisod-Moliya», 2014.
9. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ж.Р. Бахриддинов, илмий раҳбар К.М. Юлдашев  
Наманган, Узбекистон  
[qodirjonaka@mail.ru](mailto:qodirjonaka@mail.ru)

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ- ХУСУСИЙ ТИББИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ВОСИТАСИ СИФАТИДА**

**Annotatsiya.** Мазкур мақолада, мамлакатда хусусий тиббиёт муассасаларини ривожланиши ҳолати, уларни ривожлантириш ўйлари кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада мамлакатимизда ва хорижий мамлакатларда хусусий тиббиёт муассасаларининг ривожланиши ҳолати ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** хусусий мулк, нодавлат, хусусий сектор, ижтимоий соҳа, молиялаштириш, тиббиёт, бюджет, давлат-хусусий шерикчилик.

Ж.Р. Бахриддинов, научный руководитель К.М. Юлдашев

Наманган, Узбекистан

qodirjonaka@mail.ru

## ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОЕ ПАРТНЕРСТВО В УЗБЕКИСТАНЕ КАК ИННОВАЦИОННЫЙ ИНСТРУМЕНТ РАЗВИТИЯ ЧАСТНОЙ МЕДИЦИНЫ

**Аннотация.** В данной статье обсуждается состояние развития частных медицинских учреждений в стране, пути их развития. В статье также рассматривается состояние развития частных медицинских учреждений в нашей стране и за рубежом.

**Ключевые слова:** частная собственность, негосударственный, частный сектор, социальный сектор, финансирование, медицина, бюджет, государственно-частное партнерство.

Мамлакатимизда 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги устувор йўналишлардан бири бу “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” йўналишидир. Бу йўналишнинг муҳим қисмларидан бири тиббиёт соҳасини ривожлантириш бўлиб, унда хусусий тиббиёт муассасаларида кўрсатиладиган тиббий хизматларни сифатини ошириш, тиббий нормаларга қатъий риоя қилиш чора-тадбирлари туради.

Бу борада нодавлат тиббиёт муассасаларини ривожлантириш тиббиёт муассасалари ўртасидаги соғлом рақобат муҳитини яратади. Бу борада хусусий мулк дахлсизлиги яъни хусусий мулкни давлат томонидан кафолотли химояланганлиги муҳим ўрин тутади. Давлат-хусусий шерикчилик механизми тамойилларини ижтимоий соҳаларга жорий этишда хорижий мамлакатлар тажрибасини, иқтисодий таълимотлар тарихини ўрганиш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш мамлакатимизни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаракатлар стратегияси”нинг 1.2 бандида келтирилган “Мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикчиликнинг замонавий механизmlарини жорий этиш” йўналишига мос келади. Чунки ижтимоий соҳа объектларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни қисқартиришнинг асосий манбаи бўлиб хусусий сектор вакилларини бу жараёнга фаол жалб қилиш орқали эришиш мумкинлигидир.

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилиб, қатор имтиёзлар берилгани туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди.

Хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш масалалари долзарблиги ва унинг ечимини топиш бўйича йўналишини белгилаб берди. Юқоридаги муаммоларнинг аксарияти Давлат-хусусий шерикчилик механизмини мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг ижтимоий соҳа объектларида жорий этиш йўли билан ўз ечимини топади. Бу эса бозор муносабатларини тараққий этишида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлариiga эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан замонавий ва ҳаммабоп хусусий тиббиёт муассасаларини ташкил этиш мақсадида тиббиёт тизимиға давлат-хусусий шерикчилик механизмини жорий этиш масаласи кўп бора таъкидланиб келинмоқда. Давлат-хусусий шерикчилик механизмини жорий этишнинг аҳамияти ижтимоий соҳа харажатларини режалаштириш ва сарфлаш шаффоғлигини ошириш чораларини кўриш, фаолиятининг очиқлиги ва уларнинг мустақиллигининг оширилиши давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Шунингдек, ижтимоий соҳаларда хизмат кўрсатиш нархларининг мақбуллиги ва арzonлигини таъминлаш мақсадида инвесторларга кенг солиқ имтиёзлари ва имтиёзли кредитлар тақдим этилади. Давлат-хусусий шерикчилик асосида янги турдаги тиббиёт муассасаларининг ташкил этилиши улар ўртасида соғ рақобатни юзага келтириш ва кўрсатилаётган тиббий хизматларни сифатини оширишга ва нархларни мақбуллаштиришга имконият яратади.

Давлат-хусусий шерикчилик механизмини тиббиёт тизимиға самарали жорий этиш мақсадида бу борада ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Америка Кўшма Штатларида давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги масалалари N.Anthony, R.Felipe ва J.Guáquetalар илмий изланишларида ўз ифодасини. Америка Кўшма Штатларида давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги натижасида ижтимоий соҳасидаги хусусий секторнинг ролини ошириш, давлат норматив-хуқуқий базасини яратиш тиббиёт хизматлари танлови ошишини ва тиббий хизматларнинг сифат жиҳатидан натижалар яхшиланганлигини айтиб ўтиш жоиз. Бу эса Америка Кўшма Штатларида давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги натижасида тиббиёт муассасалари ўртасида рақобатни янада ривожлантириш орқали тиббиёт хизматлари сифатини ошганлигига намоён бўлади [1]. Мамлакатимизда эса давлат-хусусий шерикчиликнинг шаклланиши ва уни ривожлантириш масалалари Н.Юсупов ва Ф.Карабаевларнинг назарий-услубий масалаларини тадқиқ қилган бўлсалар, [2] А.Низамов эса “Таълим муассасаларининг ижтимоий ҳамкорлигига давлат-хусусий шериклик модели”ни жорий этиш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқдалар [3].

Бизнинг фикримизча давлат-хусусий шерикчилик механизми тиббиёт тизимининг сифати ва самарадорлигини оширишнинг бир усули бўлибгина қолмай тиббиёт соҳасини молиялаштиришнинг инновацион воситаси хамdir.

Давлат-хусусий шерикчилик механизмини жорий этилиши иштирокчиларга қандай самара беради деган савол туғилади. Давлат-хусусий шерикчилик механизмидан давлат манфаатлари учун кел адиган самарадорлик қуидагилардан иборат:

- Давлат-хусусий шерикчилик механизми орқали бюджет маблағларини тежаш имконияти ортади.
- Давлат ижтимоий соҳани молиялаштиришда инновацион воситалардан фойдаланади.
- Мамлакат тиббиёт тизимида хусусий капитал маблағларини тизимга жорий этиш имконияти ортади.
- Хусусий молиявий қўйилмаларни хусусий тиббиёт муассасаларини молиялаштиришга жалб этиш орқали харажатлардан самарали фойдаланиш имконияти ортади.
- Хусусий тиббиёт муассасаларининг рақобатбардошлиги ортади, замонавий рақобатбардош тиббий хизматлар ривожланади.

Давлат-хусусий шерикчилик механизмидан тиббиёт тизимиға келадиган самарадорлик қуидагилардан иборат:

1. Хусусий тиббиёт муассасалардаги мутахассисларни молиявий қўллаб-куватлаш имкониятлари ортади.

2. Хусусий тиббиёт муассасаларини замонавий жихозлаш имконияти юзага келади.

3. Хусусий тиббиёт муассасаларидаги инновацион ғояларни жорий этиш имкониятлари юзага келади.

4. Хусусий тиббиёт муассасаларини моддий-техника таъминоти мустаҳкамланиб, ходимларнинг меҳнатдан манфаатдорлиги ортади.

Давлат-хусусий шерикчилик механизмидан хусусий секторга келадиган самарадорлик қуидагилардан иборат:

- Хусусий сектор вакилларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ортади.

- Давлат шерикчилик лойиҳаларини амалга ошириш натижасида уларнинг фойда олиш имконияти ортади.

- Хусусий секторни молиялаштириш самарадорлиги ортади.

- Хусусий секторнинг рақобатбардошлигини ошириб, уларда инновацион ғояларни амалга ошириш имкониятлари ортади.

- Хусусий секторда хайрия маблағларига бўлган эҳтиёжлар қондирилади.

- Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш орқали қуидаги ижобий натижаларга эришилади:

1. Тиббиёт муассасалари ўртасида соғлом рақобат мухити шаклланади.

2. Тиббиёт муассасалардаги молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш тизими йўлга қўйилади.

Ижтимоий соҳаларда хусусан тиббиёт тизимида Давлат-хусусий шерикчилик механизмини жорий этиш орқали давлат ижтимоий соҳа объектларига давлат бюджети маблағларидан харажатларини қисқартириш имкониятига эга бўлади. Давлат-хусусий шерикчилиги ижтимоий соҳа объектларини молиялаштиришнинг инновацион воситаси сифатида давлат бюджети учун манфаатлидир. Шунингдек ижтимоий соҳа объектлари ўртасида соғлом рақобатни йўлга қўйиш орқали кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга эришилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Harry Anthony Patrinos Felipe Barrera-Osorio Juliana Guáqueta. The Role and Impact of Public-Private Partnerships in Education. 2009. The International Bank for Reconstruction and Development //The World Bank. pp. 53.

2. Юсупов Н.А., Карабаев Ф.Э. Теория и практика государственно-частного партнерства. Учебный модуль. Под.редак А.Э.Шайхова. Т.: 2013. 113 с.

3. Низамов А. Таълим муассасаларининг ижтимоий ҳамкорлигига давлат-хусусий шерикчилик модели. Монография. Т.: ЎМКҲТТҚМО ва УҚТ институти. 2017. 10.

4. Котлер Ф. Маркетинг менеджмент. Экс пресс-курс. 2-е изд. / Пер. с англ. под ред. С.Г. Божук. СПб.: Питер, 2006. 464 с.

5. 2017-йил 15-сентябр Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карори //, 2017-йил 15-сентябр //from/LexUZ.